

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ ВА ЙИҒИМЛАРИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340801 – “солиқлари ва солиққа тортиш”
магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент - 2003

Тузувчи: и.ф.н., доц. Ф.Бозоров

Тақризчилар: и.ф.н. А.Камолов

И.ф.н. Б.Умаров

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тасдиқланган ўқув режасига биноан ишлаб чиқилган ва иқтисодий университет, институт, факультетларнинг "Молия ва кредит" мутахассисликларига тавсия қилинади. Мазкур дастур Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими, умумдавлат ва маҳаллий солиқ ва йиғимларни ҳисоблаш ва ундириш усуллари ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларидан ташкил топган.

Программа разработана в соответствии с учебным планом, утвержденным Министерством Высшего и Среднего специального образования Республики Узбекистан и рекомендуется экономическим университетам, институтам и факультетам по специальности "Финансы и кредит". Содержание данной программы состоит из структуры налоговой системы Республики Узбекистан а также совершенствования методологии налогообложения общегосударственных и местных налогов и сборов в целом.

This program produced through Ministry of high and Secondary Education of Republic of Uzbekistan's approved teaching plan and recommended for "Finance and credit" specialty of economic university, institute and faculties. The contents of givenned program consists of structure of tax system of Republic Uzbekistan as well as improvements of methods of taxation national and local taxes and collections as a whole.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Маълумки солиқлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Давлат бюджети даромадлар манбаининг асосий қисми умумдавлат солиқларидан шаклланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу фаннинг ўқитилиш мақсади аниқ бўлади. "Давлат солиқлари ва йиғимлари" фанининг ўқитишдан асосий мақсад-магистрантларга ушбу солиқларнинг ҳар бир тури, уларнинг тўловчилари, ставкалари, ҳисоблаш шакллари ҳақида етарлича маълумот беришдир.

Мазкур ўқув курсининг вазифаси умумдавлат солиқларининг бюджетдаги ўрни ҳамда аҳамиятини кўриб чиқиш, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир.

"Давлат солиқлари ва йиғимлари" ўқув фани магистрантлардан солиқ назарияси, корхоналар солиқлари, солиқларни прогноз қилиш, солиқ қонунчилиги, корхоналар молияси, давлат бюджети ва статистика фанларини чуқур билишни талаб қилади.

Ушбу ўқув фани, магистрантларга солиқ инспекциялари, солиқ бошқармалари ҳисобот материаллари ҳақида хулоса чиқаришни ўргатади. Шунингдек, ўқув фанини мукамал ўзлаштириш учун магистрант куйидаги ўқув фанларини ҳам яхши билиши керак: "Солиқ назарияси", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Солиқ қонунчилиги асослари", "Молиявий таҳлил", "Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи", "Статистика".

Фанни ўқитиш жараёнида магистрантларнинг илмий салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш ва касбга йўналтиришни рағбатлантиш мақсадида таълимнинг мамлакатимизда ва дунё амалиётида кенг ривожланган янги технологияларидан, тестлар тўпламидан, бутун дунё солиқ маълумотларини ўрганиш учун Интернет системасидан фойдаланишга ўргатиш назарда тутилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулоти мавзулари

Ўзбекистон солиқ тизимида давлат солиқлари ва йиғимларини ундириш услубиёти ва уларни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон солиқ тизими ҳақида қисқача маълумот. *Солиқ тизимининг шаклланиш босқичлари ва аҳамияти. Умумдавлат солиқларининг маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан фарқи. Умумдавлат солиқларини давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тутган ўрни ва солиққа тортиш зарурияти.*

Умумдавлат солиқларнинг ўзига хослиги. Умумдавлат солиқларнинг турлари ва ундириш усуллари. Маҳаллий солиқ ва йиғимларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тутган ўрни ва солиққа тортиш зарурияти. Маҳаллий солиқ ва йиғимларни солиққа тортишни ўзига хос хусусиятлари. Маҳаллий солиқларнинг турлари ва уларни ундириш усуллари. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш усуллари ва уларни такомиллаштириш йўллари ҳамда солиққа тортишни долзарб муаммолари.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари

Даромад солиғи ва фойда солиғининг тўловчилари. Солиқ солинадиган объект. Фойдадан солиқ тўловчилар. Даромаддан солиқ тўловчилар. Солиқ ҳисобланадиган базани ҳисоблаш ва унга қайта қўшиладиган элементлар. Жами даромаддан чегириладиган чегирмалар. Умидсиз қарзлар бўйича чегирмалар. Амортизация бўйича чегирмалар. Номоддий активлар бўйича чегирмалар.

Солиқ ставкалари: фойдадан солиқ тўловчилар учун, даромаддан солиқ тўловчилар учун. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун, чет эл инвестициялар иштирокидаги юридик шахслар учун ва бошқалар.

Даромад солиғи бўйича имтиёзлар: тўлиқ ва қисман солиқ тўлашдан озод қилиш.

Солиқ солинадиган даромаднинг камайтирилиши. Чет эллик юридик шахсларнинг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Даромад солиғининг ҳисобга олиниши. Даромад солиғини ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари. Даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иқтисодий моҳияти ва солиққа тортишни зарурияти. *Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўтган ўрни ва аҳамияти. Ушбу солиқ бўйича тўловчилар ва солиқ солиш объекти. Ўзбекистон фуқароси бўлган ва фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадлари.* Жисмоний шахсларнинг йиллик даромадлари таркиби ва уларни шакллантириш.

Меҳнат ҳақи даромадлари, мулкӣ даромадлари, тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари. Солиқ солинадиган базани ҳисоблаш учун даромаддан чегирмалар. *Солиқ ставкалари: прогрессив ставка. Солиқ бўйича имтиёзлар. Солиқ ҳисобланмайдиган даромадлар.* Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан озод қилиниши. Солиқдан тўла ва қисман озод қилиниши. *Норезидентлар ва чет эллик жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари.*

Солиқнинг ҳисоблаб чиқарилиши, ҳисоботлар ва декларация. Солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари. Жисмоний шахсларнинг даромадларини аниқлаш ва уларни солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳамда солиққа тортиш усулларини такомиллаштириш йўллари.

Қўшилган қиймат солиғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари

Қўшилган қиймат солиғи олиншидан мақсад ва унинг иқтисодий моҳияти. Қўшилган қиймат солиғи бюджет даромадларининг асосий манбаларидан бири. Қўшилган қиймат солиғининг тўловчилари ва солиқ солинадиган объект. Реализация бўйича солиқ солинадиган оборот миқдори. Импортга солинадиган солиқ миқдори. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар. *Солиқдан умуман озод қилиш, ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш.* Товарлар экспорти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун минерал ўғит ва ёнилғи мойлаш материаллари.

Солиқ ставкалари. Ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотлар учун.

Солиқнинг бюджетга тўланиши лозим бўлган суммасини белгилаш тартиби.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисобланиши, тўланиши, солиқ бўйича ҳисоб китобларни тақдим этиш муддатлари. Солиқни ундириш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни тугатиш масалалари.

Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари

Акциз солиғининг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ олинши сабаблари. *Акциз солиғи эгри солиқ турларидан асосий бири. Акциз солиғи умумий солиқ тизимининг бир қисми ва бюджет даромадларини шакллантиришни кўпайтиришда фойдаланиши. Акциз солиғининг тўловчилари.* Акциз солиғи тўланадиган товарлар, акциз солиғи ставкалари. Акциз маркази. Солиқ солиш объекти. Акциз солиғини тўлаш муддатлари. Акциз солиғини ҳисобга ўтказиш.

Акциз солиғи тўланидиган импорт товарлар турлари. Акциз тўланидиган импорт товарларини акциз солиғидан озод қилиш. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартини такомиллаштириш масалалари.

Ресурслардан самарали фойдаланишда ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг аҳамияти

Ер ости бойликлардан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Солиқнинг тўловчилари. Солиқ солиши объектлари. Фойдали қазилмалар, рангли металллар хом ашёси, ер ости иншоотлари ҳажми. Солиқ ставкалари. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоблаб чиқарилиши, тўлаш тартиби ва муддатлари. Солиқни ҳисоблаш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.

Экология солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш йўллари

Экология солиғи ҳақида қисқача тушунча. Экология солиғининг тўловчилари. Солиқ солиши объекти, экология солиғининг ставкаси. Ушбу солиқ бўйича имтиёзлар. Экология солиғини ҳисоблаб чиқариши шартли, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши муддатлари. Экология солиғини тўлаш муддатлари. Солиқни ҳисоблаш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш йўллари.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, олинши сабаблари. Солиқ тўловчилар, солиқ солиши объекти. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари. Ушбу солиқ бўйича имтиёзлар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва тўлаш муддатлари. Солиқни ҳисоблаш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистон солиқ тизимида давлат солиқлари ва йиғимлариниундириш услубиёти ва уларни такомиллаштириш йўллари

*Ўзбекистон Республикаси солиқ тизини ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тутган ўрни. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш муддатлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.**

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари

*Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини тўловчилар ва солиққа тортиладиган объект. Солиқдан берилган имтиёз турлари. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.**

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг зарурлиги ва ундириш усуллари. Жисмоний шахслар даромадларини турлари ва уларни декларациялаш. Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни мукамаллаштириш масалалари.*

Қўшилган қиймат солиғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ва солиққа тортиладиган объект. Солиқдан берилган имтиёз турлари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби ҳамда муддатлари. Ўзбекистон шароитида қўшилган қиймат солиғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари.*

Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари

Акциз солиғини тўловчилар ва солиққа тортиладиган объект. Солиқдан берилган имтиёз турлари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби ҳамда муддатлари. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш йўллари.*

Ресурслардан самарали фойдаланишда ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг аҳамияти

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиладиган объект таркиби. Солиқдан берилган имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш тартиби ҳамда тўлаш муддатлари. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.*

Курс иши мавзулари

1. Солиқларнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини такомиллаштириш.
2. Ўзбекистонда чет эл инвесторлари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва такомиллаштириш йўллари.
3. Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғини такомиллаштириш йўллари.
4. Ўзбекистон солиқ тизимининг ривожланган давлатлар солиқ тизими билан солиштирма таҳлили.
5. Қўшилган қиймат солиғи ва уни такомиллаштириш.
6. Юридик шахсларни солиққа тортишда солиқ идораларининг назорати ва уни такомиллаштириш.
7. Солиқларнинг декларация бўйича ундириш усули ва уни такомиллаштириш йўллари.
8. Солиқлар бўйича имтиёзларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдаги аҳамияти.
9. Юридик шахслардан олинadиган солиқлар ва уларни бюджетга ундирилиш усулларини такомиллаштириш.
10. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш масалалари.
11. Хорижий юридик шахсларни солиққа тортиш хусусиятлари.

12. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бўлган таъсири ва уларни такомиллаштириш муаммолари.
13. Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг аҳамиятини ошириш йўллари.
14. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш масалалари.
15. Амир Темур ҳукмронлиги даврида солиқлар тизимининг вужудга келиши ва давлатни кучайтиришда уларнинг тутган ўрни.
16. Ўзбекистонда юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ўзига хос хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш масалалари.
17. Солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш.
18. Тижорат банкларини солиққа тортиш хусусиятлари ва уни такомиллаштириш.
19. Ўзбекистонда суғурта ташкилотларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари.
20. Солиқ ставкалари турлари ва уларнинг қўлланилишини такомиллаштириш масалалари.
21. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар уларнинг бюджетлар ўртасида тақсимлашни такомиллаштириш масалалари.
22. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи механизмини такомиллаштириш омиллари.
23. Ўзбекистон давлати иқтисодий сиёсати билан солиқ сиёсатининг боғлиқлиги, вазибалари, такомиллаштириш омиллари.
24. Жисмоний шахслар даромадларига солиқ ва унинг аҳоли даромадлилиги даражаси билан ўзаро боғлиқлиги муаммолари.
25. Қўшилган қиймат солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибларини такомиллаштириш йўллари.
26. ҚҚС ва унинг ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат, бажарилган ишларни қийматига таъсири.
27. Акциз ости маҳсулотларини солиққа тоортиш тартибини такомиллаштиришда учрайдиган айрим масалаларнинг таҳлили.
28. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаш чиқариш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.
29. Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.
30. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш бўйича бериладиган имтиёзларнинг таъсири.
31. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаларини табақалаштириш масалалари.
32. Солиқ ставкаларини табақалаштириш ва уни такомиллаштириш масалалари.
33. Иқтисодиётни юксалтиришда солиқларнинг аҳамияти.
34. Солиқлар ва туловларнинг юридик шахслар молиявий хужалик фаолиятига таъсири, таҳлили.
35. Халқ хўжалиги тармоқларида солиқ огирлиги ҳолати ва уни оптималлаштириш масалалари.
36. Солиқлар базасининг шаклланиш хусусиятлари ва ундаги муаммолар.
37. Солиқ қонунчилиги ва жинойий жавобгарлик меъёрларини такомиллаштириш масалалари.
38. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳозирги давр ривожланиш босқичига тавсиф ва баҳолаш мезонлари.

39. Иқтисодий эркинлаштириш шароитда солиқ органлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартиблаш масалалари.
40. Кичик ва ўрта бизнесни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш масалалари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида замонавий техник воситалардан, компьютерлардан, алоқа воситалардан, Интернет тармоғидан ва қуйидаги информациявий техник воситалардан фойдаланиш кўзда тутилган.

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диапроектор;
4. Кодоскоп;
5. Графопроектор;
6. Интернет тармоғи:

- <http://www.finstat.ru>
- e-mail: valeo@etel.ru
- <http://www.alpina.ru>
- e-mail: alpina@df.ru

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фанни магистрантлар қандай ўзлаштирганлигини назорат қилиш жорий, оралик, якуний баҳолашлар, тест, ёзма иш, магистрант мустақил бажарган ишлари конспекти, схема диаграмма - графикларини баҳолаш орқали олиб борилади.

"Давлат солиқлари ва йиғимлари" фанида магистрантларга 40 соат маъруза ва 40 соат амалий машғулот ўтказилади. Фан бўйича магистрантларнинг ўзлаштиришини баҳолаб бориш қуйидагича амалга оширилади:

Баҳолаш мезонларини қуйидагича гуруҳланган: Оралик баҳолаш жами баллнинг 35%ини, жорий баҳолаш ҳам жами баллнинг 35%ини ташкил этади. Якуний баҳолаш жами баллнинг 30%ини ташкил қилади.

Демак, оралик баҳолашда энг юқори балл 28,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 15,4 баллдан - 28,0 баллгача тўплаши мумкин.

Жорий баҳолашда ҳам энг юқори балл 28,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 15,4 баллдан - 28,0 баллгача тўплаши мумкин. Якуний баҳолашда эса юқори балл 24,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 13,2 баллдан - 24,0 баллгача тўплаши мумкин.

Семестр давомида фан бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло";
- 71 - 85 - "яхши";
- 55 - 70 - "қониқарли".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболини асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 1992.
6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Т.:Адолат, 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Т.: Адолат, 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. // Халқ сўзи, 1997 йил 29 август.
9. Беганов В.С. Молия сиёсати, солиқлар ва солиққа солиш. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 1998.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги бўйича норматив актлар тўплами. 1-2 қисм. Тошкент 2002 й.
2. 2002 йил солиқлари ва мажбурий тўловлар бўйича маълумотнома. Тошкент - 2002.
3. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом. Тошкент - 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуни 1997 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонуни 1997 йил 29 август (1998 йил 1 майдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
6. Жами йиллик умумий даромад ҳақида декларация (баённома) тўлдириш бўйича услубий қўлланма. / Солиқ тўловчининг журнали, 2000 йил 2-сон.
7. Маликов Т.С. Солиққа тортишнинг долзарб муаммолари. -Т.: "Академия", 2002.
8. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. -М.: Эконом-ключ, 1998.
9. Собиров Х. Бухоро амирлигида солиқлар. / Солиқ тўловчининг журнали, 1997 йил 8-сон.
10. Сабурова С. Хива хонлигида солиқ (қўнғиротлар даври). / Солиқ тўловчининг журнали, 2001 йил 12-сон.
11. Упрощена система налогообложения. Экономическое обозрение 2002 йил № 1-2 (29-30).